

ИНСОН ВА ҚОНУН

Адолат ҳар ишда
ҳамроҳимиз ва
дастуримиз
бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz | 2017 йил 8 август • сешанба № 34 (1082)

Ёшлар — Ватан ишончи, миллат суянчи

Ёшликнинг зангор осмони



ҲАР бир ниҳол парваришга муҳтож бўлганидек, фарзанд тарбиясида ҳам ҳушёрлик ва эътибор жуда муҳимдир. Қобил фарзандлар тарбиялаб элда ҳурмат тоғанлар ҳам, ва аксинча фарзанднинг тарбиясизлигидан номус қиладиганлар ҳам орамызда учрайди. Бугунги ёшларимизга ҳавас қилса арзийди, чунки авваллари уларнинг билим олишлари учун етарлича шароит мавжуд, деб бўлмасди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг эса ёшларнинг нафақат билим олиши, балки чет давлатларга бориб билимларини янада мустаҳкамлаш имкони яратилди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Тинч-осойишта юртимизда камол топаётган ёшларнинг орзу-мақсадлари, эришган муваффақиятлари, истиқлол

фарзандларнинг юксак маънавияти қуйидаги фикрларида ҳам яқол намоён бўлмоқда.

“Янги мобил дастур яратдик”

Рашид ТОЖИБОВЕВ,
Тошкент шаҳридаги
ИНХА университети талабаси:




— Ёшлигимдан математика ва физика фанларига қизиқишим банд. Доим фикр зикрим математик амалларни бажаришда бўлган. Қолаверса, ота-онам менда билим олишга бўлган иштиёқни оширган. Чунки улар илм

орқасидан толган бахтлари орқали менга намуна бўлишган. Мен компьютер муҳандислиги соҳасини танладим.

Мақтабни битиргач, Тошкент давлат политехника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейида аниқ фанлар йўналиши бўйича таҳсил олдим. Абитуриентлик пайтида пойтахтимизда янги — ИНХА университети очилаётганини эшитиб, шу таълим даргоҳига ҳужжат топширдим. Университетимизда талабаларнинг таҳсил олиши учун барча шароитлар яратилган, устозларимиз ҳар биримиз учун ота-онамиздек жон куйдиради. Хориждан келган профессорлардан соҳамизга тааллуқли бўлган катта тажрибани ўрганмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари:



“Инсон ва қонун” муҳбири
Жамшид ҒОҒУРОВ тайёрлади.



ЮРИДИК ХИЗМАТ МИНБАРИ

— **ФУҚАРОЛИК** паспортини йўқотиб қўйдим. Ҳеч қаердан тополмаяпман. Бу ҳолатда қаерга мурожаат қилишим керак?

НИЗОМ ТОҲИРОВ,
Юнусобод тумани

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида”ги Низомнинг 20-бандига мувофиқ фуқаро паспортни авайлаб асраши шарт.

Паспорт йўқолгани ҳақида фуқаро доимий қайд этилган жойидаги ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг шахс борган хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига дарҳол хабар қилиши лозим. Улар эса фуқаронинг аризасига биноан белгиланган намунадаги маълумотнома беради.

Саволга ҳуқуқшунос
Сардор НЕЪМАТЖОНОВ жавоб берди.

— **МЕН** веб сайт очиб, шу орқали тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Веб сайт очиш учун рухсатномани қаердан ва қимдан оламан? Шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз?

ДАВЛЯТРА БАХТИЯРОВ,
Тошкент шаҳри

— Веб сайтлар яратиш ва уларни техник қўллаб-қувватлаш фаолият турини амалга ошириш учун лицензия олиш талаб қилинмайди.

Агар сиз сайт яратиш ва сотиш фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлсангиз ёки ўз сайтингизни яратиш, унда хизмат кўрсатиш орқали даромад олмақчи бўлсангиз юридик шахс сифатида ёки яққа тартибдаги тадбиркор сифатида ўзингиз истикомат қилаётган шаҳар ёки туман ҳокимлиги ҳузурдаги “Ягона дарча” марказига мурожаат қилган ҳолда рўйхатдан ўтишингиз мумкин.

Саволга Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Юридик бўлими бош юриконсулти
З.ЖАВЛИЕВ жавоб берди.

“Инсон ва қонун” муҳбири Дилфуза ЭРҒАШЕВА тайёрлади.

— **НАҒАҚАДАМАН.** Фарзандларим ва яқин қариндошларим йўқ. Касалигим боис менга доим эътибор қилиб, аҳолимдан хабардор бўлиб турадиган инсонга муҳтожман. Айтинг-чи, уйимни соғлигимга қараб туришга ваъда берган қўшимга ҳада қилсам бўладими?

А.НИЗОМОВА,
Самарқанд шаҳри

— Фуқаролик кодексининг 530-моддасида умрбод таъминлаш шартини билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси ҳақида тушунча берилган. Унга кўра:

Умрбод таъминлаш шартини билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёки ёки соғлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парвариш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади. Мазкур ҳолатда Сиз, албатта, нотариал идорада умрбод таъминлаш шартини билан уй-жойингизни бошқа шахсга бериш шартномасини расмийлаштиришингиз мумкин.

Саволга Фуқаролик муҳофазаси институти
юрисконсулти Лола АЗИЗОВА жавоб берди.

— **ТОШКЕНТ** шаҳридаги кўп қаватли уйларида квартирам бор. Уни дўстига текин фойдаланишга шартнома асосида беришим мумкинми?

Элзод ЗИЁДОВ,
Тошкент шаҳри

— Фуқаролик кодексининг 626¹-моддасига кўра, уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади, бундан уй-жойни яқин қариндошларга (ота-она, туғилган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, туғилган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари) текин фойдаланишга бериш ҳоллари мустасно.

Фуқаролар ўртасида уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши шарт.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими
Жаҳонгир КОМИЛОВ жавоб берди.

Ҳаёт Ҳақиқати

Антисфен

Адолатли Зотларни туғишганимиздан ҳам ағлоқоқ кўрими.

Ёшлик ифтихори

Ватан

*Боболарим, момоларим руҳлари ётган,
Онажоним алласидан дилимга ботган.
Бешигининг чизиқлари, нақшида қотган
Уйим тўрида саждагоҳим, меҳробим Ватан
Кўзим қаросида ардоғим Ватан.*

*Баҳорларда дарёлари дур тўлиб тошган,
Саҳарларда дехқонлари далага шошган.
Хирмонларни буй чўздириб шўҳрати тошган,
Бободехқон қўлларда қадоғим Ватан
Кўзим қаросида ардоғим Ватан.*

*Элим дея жон қуйдириб зўр-заҳмат чеккан,
Кексаларнинг хотирида чиргоғим Ватан.
Ўзбекистон шўҳратини дунёга ёйган
Ёшлар юрагида шижоат Ватан,
Кўзим қаросида ардоғим Ватан.*

Азиза ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
давлат стипендианти



Ёшликнинг зангор осмони

(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

2016 йил "Кафолат" сугурта компанияси томонидан ёлланган "Энг яхши мобил илова" деб номланган танловда гуруҳимиз билан биринчи ўринни олдик. Бу дастур мижозларга on-line тизимида сугурта хизматини кўрсатади.

Шу ўринда мазкур мобил дастур ҳақида тўхталиб ўтсам. Мобил дастур ўзбек ва рус тилларидаги интерфейсларга эга бўлиб, у орқали компания янгиликлари билан танишиш, 90 га яқин сугурта хизматлари ҳақида батафсил маълумот олиш ва танланган сугурта хизмати бўйича компания масъул ходимлари билан боғланиш учун "Қайтариб кўнгирок қилиш" хизматидан фойдаланиш мумкин. Шуниси эътиборга лойиқки, мижозлар мобил дастур орқали компаниянинг 14 та сугурта туридан фойдаланиш учун электрон аризаларни тегишли хужжатлар нусхалари билан масофадан туриб онлайн тақдим қилишлари, сугурта полислари учун тўловни онлайн узатишлари, шунингдек, сугурта ҳолати бўйича берган аризаларини кўриб чиқиш ҳолати ва мудатларини кузатиб боришлари мумкин бўлади.

Ўтган йили ёзда жамоамиз билан қатнашган "Intellectall" танловидаги keergoing.uz веб-сайти энг яхши веб-сайт деб топилди. Keergoing.uz сайти ҳозирда ёшларимизга қизиқиб ўрганаётган веб-дастурлар тилларида ўргатувчи сайт бўлиб, ундан HTML, JAVA SCRIPT, CSS тилларида матн ва видео кўринишида дарсликлари тинглаб бориши мумкин. Шу ютуқларимиз учун Алоқа технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан таъсис этилган стипендияга олиб, деб топилдим.

Ҳозирги кунда ўш йўналишим бўйича Кореяда тахсил олмакдан.



ялар ярмаркаси"да фермер деҳқонларнинг соғлиги ҳақида қайғурувчи ва уларнинг иш самарадорлигини оширувчи янги инновацион лойиҳа — масофадан туриб бошқариладиган, кимёвий воситаларни сепувчи яримавтомат робот — Агробот 1.0 лойиҳаси билан гуруҳ аъзоси сифатида қатнашдим. Ушбу лойиҳамиз университет "Илм ҳафталиги" (Science Week) доирасида ўтказилган беллашувда "Энг яхши инновацион лойиҳа" йўналишида фахрли 2-ўринга лойиқ кўрилди.

Бундан ташқари, ушбу лойиҳани янда ривожлантириш учун Германиянинг CLAAS қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхона томонидан 500 евро миқдорда пул ажратилди. Ҳозирда ушбу лойиҳа устида ишляпман.

2016 йил Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилар уюшмаси қошидаги "Еш етакчилари кўллаб-қувватлаш лойиҳаси" (Young Leaders Development Project)да PR менежер сифатида 6 ой давомида фаолият кўрсатдим. Университетимизда "Талабалар уюшмаси" (Students' Union) ташкил этиб, унда бир қатор янги лойиҳаларни ишлаб чиқдик. Буларнинг барчаси менга 2017-2018 академик йил доирасида, АҚШнинг West Virginia университетидега ўқиб келиш имконини яратди. Насиб этса, 2018 йилнинг баҳорги семестрида у ерда тахсил олам.

Тил билган эл билар

Донохон ҲАКИМХУҲАЕВА, Тошкент Сингапур менежментни ривожлантириш институти талабаси:
— Коллежда ўқиб юрган кезларида чет тилларига бўлган қизиқишим туфайли турли фан тўғрисида қатнашиб, инглиз тилида билим ва кўникмаларимни оширдим. Тез орада Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада ташкил

этилган "YS" ёшларни кўллаб-қувватлаш ташкилотига кўнгилли сифатида ҳамда дебат клубда ишлаб бошладим. 19 ёшдан бошлаб ёшларга инглиз тилини ўқитиш методикаси бўйича иш олиб бормоқдам. Ҳозирги кунда 2 та нуфузли ўқув марказида ўқитувчи лавозимида фаолият юритмоқдам. Коллежни битиргач, 2014 йилда "SMART" ўқув марказида инглиз тилидан дARS бера бошладим. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг 2-босқич талабасиман.

2016 йилда янги хайрия лойиҳам — "Better World"ни ташкил этдим. Ушбу хайрия лойиҳасининг бошқа лойиҳалардан асосий фарқи — ижтимоий таъминотга муҳтож ёшлар нафақат моддий томондан, балки маънавий томондан ҳам кўллаб-қувватланади. Лойиҳа давомида бир гуруҳ талабалар меҳрибонлик уйларига бориб, у ердаги ёшларни хайрга бўлган меҳрини ва ишончини оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, таълим бериш жараёнида уларнинг қизиқишларига асосланиб дARS ўтилади.

2017 йилда Ўзбекистон Инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси қошидаги Еш етакчилари кўллаб-қувватлаш лойиҳаси — (Young Leaders Development Project — YLDP) томонидан ўтказилган 2-Халқаро Ёшлар саммитида "Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни" конференциясига бошчилик қилиш имкониятини кўлга киритдим. Худди шу ташкилот томонидан ташкил қилинган ёзи мактабда бир йўла 2 марта, 2016-2017-йилларда инглиз тилида нотиклик саръати — "Public Speaking Contest"да 1-ўринни эгалладим.

PS: Келажакимиз эртаси, бугунимиз умиди билан бу илмга чанқок ёшларнинг турли йўналишларида олиб бораётган изланишлари мамлакатимиз тарраққиетиға хизмат қилади, албатта.

Мадина ҲАМДАМОВА, "Инсон ва қонун" мухбири

Мезон

КОРРУПЦИЯ:

СИР ЭМАС, коррупция ва жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш дарида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид тудиради.

Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруф-аймоқларнинг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўяди. Бу эса мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг ақсарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказди. Жинсий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлар билан чатишига кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқлариға кириб олиши жамоатчилик наздида фуқароларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кўчатиради, бу эса давлат органларини обрўсизлантиради, жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради.

Коррупциянинг яна бир ҳавфли томони шунки, ислохотлар ривожини шароитида фуқаролар онгида, айниқса, ёш авлоднинг бир қисмида, хайта юккак турмуш даражасига эришининг асосий усули қонунга эриш фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланиши ва қарор топиши мумкин. Қинғир йўл билан бойлик орттиришга интилиш, башарти, у жамиятнинг ва ҳуқуқий назоратнинг эътиборидан четда қолса, одамларни, айниқса, хайта эндигина қадам қўйиб келаятган ёшларни ёмон йўлга одғиради.

Коррупциячиларнинг хатти-ҳаракатлари нафақат мамлакатимизнинг ҳалол фуқароларини тадбиркорликдан четлатади, балки чет эллик шерикларда ҳам ишонсизлик уйғотади ва уларни "чўчи"б қўяди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддасида таъкидланганидек, коррупция бу жамиятни турли йўлар билан исканжага оладиган ҳаётли иллатлардир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига пугур етказиши, инсон ҳуқуқлари бўзилишиға олиб келади, бозорлар фаолиятиға тўсиқлик қилади, хайта сифатини ёмонлаштиради ва одамлар ҳавфсизлигиға таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдириб, гуллаши учун шароит яратиб беради. Коррупция ривожланиши учун мўлжалланган маблағларни ўзига жалб қилади, хоржиқ инвестициялар оқимлари кириб келиши ва ташқи ёрдам кўрсатилишиға тўсиқлик қилади.

Конституцияимизнинг 24 йиллигиға бағишланган тантанали маросимда Президентимиз қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш барча ислохотларни самарали амалға оширишининг муҳим қафолати эканлигини таъкидлаб,

Жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини ҳам емиради



коррупциядек ҳолатни жамият ривожига фов бўлаётган бир иллат деб атаб, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунни тезроқ амалиётға жорий этиш вазифасини қўяди.

2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат харидларини амалға ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларға кенг қўйиш, бундай ҳуқуқбузарликларнинг содир этганлиги учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун, биринчи навбатда, фуқаролар, жумладан, тадбиркорларнинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, шунингдек, коррупцияга қарши курашишдаги кенг қўллали ислохотларға ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Коррупцияга қарши курашиш борасида давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалға оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишға замин яратяди.

Қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда

бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг мазкур соҳадаги иштироки, шунингдек, халқаро мезонлар асосида мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Қонуннинг амалға киритилиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг қўшимча ҳуқуқий қафолатларини яратяди, хусусий мулк

ҳуқуқига ғайриқонуний таъвозуларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятиға асоссиз аралашуларни чеклашға кўмаклашяди ва натижада ишчанлик фаолити ўсишиға ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишиға олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалға ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан таъкидланган 2017-2018 йилларға мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Давлат дастуридаги тадбирлар режасида коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий идораларо комиссиялар раҳбарларининг ахборотини эшитиш, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ихросини таъминлаш мақсадида қонуноти хужжатлари ўз вақтида қабул қилиниши устидан мониторинг ўтказиш, "Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси — коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида"и мавзусида давра суҳбати ўтказиш, "Коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусида конференция ўтказиш, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ихро этилиши ҳолатини ўрганиш, "Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик" мавзусида семинар ўтказиш, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини аҳоли ва ихроичилар эътиборига етказиш ва бошқа вазифалар белгиланди.

Бугунги кунда мазкур вазифаларни ўз вақтида ва қорри савияда ўтказиш ҳамда бу борада манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича самарали ишлар амалға оширишмоқда.

Хулоса ўрнида шунни айтиш керакки, Президентимиз қайди этганидек, жамиятда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларға йўл қўймаслик, жиноятга жаза албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур.

Батир МАТМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

"Ал-Хоразмий издошимиз"

Нодиржон ЮСУФОВ, Турин политехника университети талабаси:

— Ёшлигимданок математика ва физика фанларига жуда қизиққанман. Ушбу қизиқишимни 9-синфда математика фанидан ўтказилган олимпиаданинг шаҳар босқичига чиқишимга туртки бўлди. 2013 йил "Мактаблар келажак ҳамкорлари" (Schuelen Partner der Zukunft) томонидан 2 та давлатда ўтказилган ишнотлар танловида, Ўзбекистон ва Туркманистон немис тилини ўргатувчи ёшлари орасида фахрли 1-ўринга муносиб, деб топилдим.

Тилға бўлган қизиқишим туфайли жуда кўп танлов, конференцияларда иштирок этдим. Шу йилнинг май ойида бўлиб ўтган "X-Республика инновацион голялар, лойиҳалар ва технология-



СИРДАРЕ ВИЛОЯТИДА

Ҳаражат тўлаб берилди

ЯНГИЕР академик лицейи юридик хизмат ходими М.Сарибоева ўз жамгармаси ҳисобидан ҳаражат қилиб, Тошкент шаҳрида малака оширди. Ваҳоланки, ходимга мазкур ҳаражатлар ташкилот томонидан тўлаб берилиши лозим эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги қарори билан таъкидланган "Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомға асосан юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш ҳар уч

йилда камида бир марта амалға оширилиши белгиланган.

Шунингдек, юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ ҳаражатлар ходимини юборган ташкилот маблағлари ҳисобидан қоланиши кўрсатилган. Юрисконсулт М.Сарибоева вилоят адлия бошқармасига қилган мурожаатидан сўнг ҳаражатлар у фаолият юритаётган ташкилот томонидан энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорда тўлаб берилди.

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси материалари асосида тайёрланди.

Одамлар орасидаги гап

Шикоятга нима сабаб бўлмоқда?

Таҳлил асосидаги ҳулосалар тушган шикоятлар таҳлили ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу борада мурожаатларнинг асосий қисмини бугунги кунда уй-жой ҳада шартномалари ва мерос ишлари билан боғлиқ масалалар ташкил этаётганлигини қайд этиш лозим.

Маълумки, ҳада шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг аънавий турларидан бири ҳисобланиб, ушбу шартнома олдисотид шартномасидан ҳам, айирбошлаш шартномасидан ҳам ўзининг бундай ҳуқуқий талаб билан фарқ қилади. Авваламбор, ҳада шартномаси — текин шартномадир, яъни бундай ҳада тарафга мулкни топшираётган тараф бунга жавобан бошқа тарафдан ҳеч қандай эквивалент (на ҳуқуқ, на мулк) олмайдми, яъни ўз мулкини бошқа бироваға текинға мулк қилиб беради.

Кунун тили билан айтганда, ҳада шартномасиға мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)ға ашёни текинға мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки унингчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талабини) беради ё бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки унингчи шахс олдидиға мулкий мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади.

Энди эса масаланинг бошқа бир томониға қарайлик, юқориде айтганимиздек, нотариусларнинг хатти-ҳаракатлари устидан келиб тушяётган шикоятларнинг ақсарият қисми айнан ушбу турдаги битимлар билан боғлиқ бўлиб, фуқаролар билан бевосита мулоқот давомида ҳада берувчи ва ҳада олувчи ўртасида йиллар ўтиб оилавий келишмовчиликлар келиб чиққанлиги туфайли шикоят қилинаётганлиги маълум бўлаётган бўлса, бошқа томондан фуқаро-

лар шартномани чуқур ўқимасдан, унинг мазмуни ва шартлари билан танишмасдан, ҳуқуқий оқибатини ўйламастан туриб имзо қўяётганлиги сабаб бўлмоқда.

Ваҳоланки, фуқаролик қонунчилигида фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркин эканлиги, шартнома шартлари тарафларнинг ҳошиясиға кўра белгиланиши, шартнома тузишға мажбур қилишға йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Яна бир муҳим масала, мулкни текинға ўзға қилишға ҳада қилиб берган фуқаро нотариусға келиб ҳада шартномасини бекор қилишни талаб қилади. Ўз-ўзидан нотариус бунга рад жавобини бериб, бунинг сабабини тушунтиришға қарамасдан қўлимизға қоғоз-қалам олиб, "нотариус ўзаро тил бириктириб ғайриқонуний ҳада шартномасини тузиб берган, нотариусға нисбатан жавобгарлик масаласини кўриб чиқин", деган талаблар билан тақорор-тақорор шикоят ёзамиз-у, лекин нима учун ўзимизға "ҳада шартномасини ўз ихтиёриғиға кўра имзолаган эдим-ку, унинг мазмуни ва шартлари билан тўлиқ танишганман-ку, ахир, мулкимни бироваға текинға берганидан олдин нега бунчи чуқур йўлға кўрмадим", деган саволларни бермай-мизда "айбсиз-айбдор" нотариусға ёпишамиз.

Ҳада шартномасини бекор қилиш тартиби қандай?

Қонунчиликка мувофиқ шартномалар қандай шикоят тузилган бўлса, шундай тартибда бекор қилиниши мумкин. Ҳада шартномаси ҳам икки томонлама битимлар туркумиға кирганлиги сабабли бундай шартнома нотариус томонидан бекор қилиниши учун ҳада берган шахс ва ҳадяни қабул қилиб олган шахс турмуш ўртоғи билан

Фермер талаби қондирилди

Ер майдони ажратилди

САЙХУНОБОД туманидаги "Қоратой Мирзаев" фермер хўжалиги раҳбари И.Қоратоев хўжалиги ҳисоб рақамиға қўйилган инкасса топшириқомасини ечишида амалий ёрдам сўраб адлия бошқармасига мурожаат қилади. Ўрганиш давомида суд қарори билан фермер хўжалиги ҳисобидан 8 112 734.22 сўм ундириш бўйича хўжалик ҳисоб рақамиға инкасса топшириқомаси қўйилганлиги ҳамда, Сайхунобод туман электр тармоқлари корхонаси ва фермер хўжалиги ўртасида 2017 йил 1 февраль ҳолатиға 19 сўм 37 тиён ҳақдорлиги маъжуд бўлса-да, инкасса топшириқомаси ечилишмайётганлиги аниқланди.

Бошқарма масъул ходимлари аралашуви билан хўжаликнинг ҳисоб рақамиға қўйилган инкасса топшириқомаси ечилиши таъминланиб, мурожаат тўлиқ қаноатлантирилди.



бирға ҳадяни расмийлаштириб берган нотариусға мурожаат қилиши лозим. Агар ҳада шартномаси инкасса томон ҳам келмайдиган бўлса, нотариус тарафлардан бирининг ҳада шартномасини бекор қилиш ҳақидаги талабини бажара олмайдми. Сабаби, нотариус фақат тарафларнинг ўзаро келишуви билан битимни расмийлаштириши ёки бекор қилиш ҳуқуқига эға. Ҳада шартномасини бекор қилишни ўзига хос хусусияти шундаки, ҳада олувчи ҳар қандай ҳолатда ҳадяни олишдан беш тортиши ва уни бекор қилиши мумкин, аммо ҳада қилувчи эса ҳамма вақт ҳам бундай ҳуқуққа эға бўлмайдми.

Фуқаролик кодексининг 506-моддасида агар шартнома тузилгандан сўнг ҳада қилувчининг моддий аҳоли жиддий ёмонлашган бўлса, у келажакда ҳада олувчиға ашёни ёки мулк ҳуқуқини бериш ё бўлмаса, уни мулкий мажбуриятдан озод этиш ваъда қилинган шартномани бажаришдан беш тортишға ҳақи эканлиги, шунингдек, ушбу кодекснинг 507-моддасиға кўра эса ҳада олувчи ҳада қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғиға қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда ҳадяни бекор қилишға суд тартибиде йўл қўйилиши белгиланган.

Демак, ҳада берувчи ҳада шартномасини бекор қилиш учун ўз давъосини, нима учун бекор қилиниши етарли далиллар билан судда исботлаб бериши керак. Акс ҳолда ҳада шартномаси бекор қилинмайди.

Судларнинг ҳада шартномасини расмийлаштирган нотариуслар ҳаражатларига баҳоси

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2016 йилда кўриб чиқилган нотариал ҳара-

қатлар билан боғлиқ низолар юзасидан қабул қилинган қарорлар таҳлилиға кўра ҳада шартномаларини ҳаққий эмас, деб топилмишға асосий сабаблар сифатида ҳада олувчи томондан ҳада берувчининг моддий аҳолидан хабар олмай қўйганлиги, фуқаролар томонидан тузилган ҳада шартномалари шунчаки кўзбўйимачилик учунгина амалға оширилганлиги, бировнинг таъзики остида ҳада шартномасини тузишға мажбур бўлганлиги, ҳада шартномасини расмийлаштиргандан сўнг оила аъзолар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққанлиги аниқланган ва ҳада шартномалари ҳаққий эмас, деб топилган.

Хусан ТУРСУНОВ, Юридик фанлар номзоди

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 25 йиллиги олдидан

ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ

жараён

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ шу йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармойишида таъкидланганидек, “Мамлакатимизда Конституциямизда белгилаб берилган қонда ва тамойиллар негизда самарали миллий қончилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўсиб бораётгани, айниқса аҳамиятлидир”.

Ушбу Фармойиш билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий чора-тадбирлар Дастури”да Асосий қонунимизнинг яратилиши тарихини ўрганиш ва тарғиб этиш масаласига ҳам эътибор қаратилган. Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон Конституциясининг ишлаб чиқиши, қабул қилиниши ва ривожлантирилиши жараёнлари мустақиллик тарихининг бевосита бир узвий қисми сифатида мустақил Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўқиб-ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Уша даврда Олий Кенгаш депутати, Олий Кенгаш Мандат комиссиясининг раиси ва Конституциявий комиссия аъзоси сифатида фаолият юритган Президентимиз Шавкат Мирзиёев “1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди. Конституциянинг яратилиши ва ҳаётимизга татбиқ этилишида замонамизнинг буюк давлат арбоби, улғў йўлбўсчимиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизмати бекиёс эканини барчамиз яхши биламиз”, деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, юртимизнинг бир қанча таниқли олимлари, адиблари, давлат ва жамоат арбоблари ҳам бу тарихий жараёнларда фаол иштирок этган. Академик Шавкат Уразаев (1927-2006) ана шундай фидойи зиёлиларимиздан бири ҳисобланади. Домла ҳаёт бўлганда шу кунларда 90 ёшга тўлар эди.

Домла 1973 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат маърифати соҳиб бўлган, 1977 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони билан тақдирланган. Бунда, шубҳасиз, домланнинг жонкуяр олим сифатида юртимиз ҳуқуқшунослик фани ривожига тўтган муносиб ўрни билан бир қаторда, моҳир педагог ва меҳрибон устоз мақомида юқори малакали ҳуқуқшунослар тайёрлашга қатнаш ҳисса қўшгани ҳам ҳисобга олинган, деб ўйлаймиз.

Домла узок йиллик фаолияти давомида турли вазифаларда, хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўлими академик котиби (1966-70); ЎзФА Президиуми аъзоси (1966-70 ва 1989-93); Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси (1990-93), кейин эса Конституциявий суди раиси (1994); Тошкент юридик институти ректори (1994-95); 1996 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг профессори лавозимларида ишлаган.

Энг муҳими, Ш.Уразаев XX асрнинг 90-йилларида парламент депутаты, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили сифатида самарали фаолият олиб борган. Устознинг Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнидаги иштироки ҳам аини шу даврга тўри келади.

Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар ўтказиш зарурати ҳақида сўз юритар экан, академик Ш.Уразаев бунда асосан икки омил муҳим аҳамият касб этгани ҳақида тўхтаган. Олимнинг фикрича, биринчи омил — бу жамиятнинг бозор муносабатларига ўтиши, яъни Ўзбекистоннинг умумий тараққиёт қонуниятлари ва тенденцияларига мувофиқ равишда жохон ҳамжамиятига кириб бориш йўли бўлса, иккинчи омил — Республикамиз ўз давлат мустақиллигини эълон қилиши билан боғлиқдир.

Маълумки, истиқлол арафасидаёқ, яъни 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Советининг қарори билан Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзоси ўзида жамлаган Конституциявий комиссия ташкил этилгани конституциявий мустақиллик йўлидаги муҳим ҳуқуқий қадамлардан бири бўлди.

Конституциявий комиссия таркибида ўша вақтда Ўзбекистон Конституциявий назорат қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган Ш.Уразаев ҳам бор эди. 1992 йил 2 июлда Конституциявий комиссиянинг 71 нафар аъзодан иборат янгиланган таркиби тасдиқланган. Ушунда домлага яна бир бор ушбу Комиссия таркибида бўлиши учун юксак ишонч билдирилган.

Мазкур Комиссиянинг аъзолари сифатида биз домла билан бирга нафақат Ўзбекистон Конституциясини тайёрлашда, балки мустақиллик оstonасида қабул қилинган бир қанча муҳим қонун ҳужжатлари, хусусан, Давлат тили тўғрисидаги қонун, миллий давлатчилигимиз рамзлари — Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳиясининг ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши жараёнларида бевосита иштирок этганми.

Конституциявий комиссия ўзининг тўла тар-

кибида уч марта мажлис ўтказган бўлиб, биринчи мажлис 1991 йил 12 апрелда бўлиб ўтган. Мажлисида Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича 32 кишидан иборат Ишчи гуруҳ тuzилган, академик Ш.Уразаев ушбу Ишчи гуруҳга раҳбар этиб тайинланган. Мазкур ишчи гуруҳ таркибида биргаликда қизгин иш олиб борганимизни яхши эслайман.

Конституциявий комиссия ўзининг биринчи мажлисида тасдиқланган иш режаси асосида Конституция лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиши кўзда тутилган бўлиб, бугун бу ҳақдаги маълумотларни фақат “Мустақил Ўзбекистон Конституцияси” китобидангина топиш мумкин. Ушбу китоб муаллифи академик Ш.Уразаев ёзганидек, концепциянинг уч варианты, яъни Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми маъқуллаган Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси, Сиёсатшунослик ва бошқарув институти концепцияси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссияси ишчи гуруҳи концепцияси тайёрланган.

Шу учта вариантни умумлаштириш ҳисобига Биринчи Президентимиз маъқуллаган битта концепция яратилиб, унинг асосида 1991-1992 йиллар давомида Конституция лойиҳаси бўйича изчил ишлар олиб борилди. Лойиҳанинг дастлабки варианты 1991 йилнинг қуздаёқ тайёрланган бўлиб, кейинги вақтда унинг матнини сайқаллаш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди.

Ун иккинчи қақриққ Олий Кенгашнинг 1992 йил июль ойида бўлиб ўтган ўнинчи сессиясида Конституциявий комиссия ишчи гуруҳи раҳбари Ш.Уразаевнинг ахбороти эшитилди. Ишчи гуруҳ раҳбари Конституция лойиҳасининг хусусиятларини тавсифлаб берар экан, “Конституция сингари муҳим ҳужжатнинг бирор мамлакат Конституциясидадан кўчириб олиниши мумкин эмас”, деган фикрга эътибор қаратди. Зеро, “У давлатнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини акс эттириши зарур”.

Хали ҳам ёдимда: Конституциявий комиссиянинг янгиланган таркиби биттироқида 1992 йил 8 сентябрда бўлиб ўтган иккинчи мажлисида Ишчи гуруҳ раҳбари Ш.Уразаевнинг ахбороти тингланди. Конституциявий комиссиянинг биринчи мажлиси ўтганидан кейинги қарий бир ярим йиллик даврда катта иш қилингани эътибор этилди. Уз навбатда, Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишни поёнига етказиш учун Ш.Уразаев раҳбарлигида яна бир Ишчи гуруҳ тuzилди. Конституция лойиҳаси эса умумхалқ муҳокамасига қўйиш учун матбуотда эълон қилинди.

Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессияси арафасида — 1992 йил 7 декабрда Конституциявий комиссиянинг ўнчи мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлисида Конституциявий комиссия ўз фаолиятига яқун асаб, Конституция лойиҳасини 1992 йил 8 декабрда очиладиган Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессияси муҳокамасига ки-



ритиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундай қилиб, парламент депутатлари томонидан лойиҳа моддама-модда муҳокама қилиниб, унга яна бир қатор ўзгаришлар киритилган, 1992 йил 8 декабрда Бош қомусимиз қабул қилинди. Шу кундан эътиборан, 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган қун умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, мана шу муҳим тарихий-ҳуқуқий жараёнлардан кейинги даврда ҳам академик Ш.Уразаев ўзининг Конституция билан боғлиқ илмий-ижодий изланишларини тўхтатмади. Жумладан, Домланнинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида 1995 йилда Ўзбек тилида, 1997 йилда эса рус тилида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ эълон қилинди. Қолаверса, 2001 йилда Россияда нашр этилган “МДХ иштироки-давлатларнинг Конституциялари” китобидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матни ҳам ўрин олган бўлиб, унга таниқли олим Ш.Уразаев кириш сўзи ёзган.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқимиз сиёсий тафаккурининг ноёб намунаси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, фуқароликларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг мустаҳкам қафолати сифатида юртимизда бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши борисида асосий пойдевор бўлиб келмоқда”.

Бинобарин, Конституциямиз мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил ва босқичма-босқич, узвий ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотларнинг мустаҳкам юридик манбаи ҳамда асосий ҳуқуқий қафолати сифатида хизмат қилишида том маънода академик Ш.Уразаев каби зиёли инсонларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Акмал САИДОВ, юридик фанлар доктори, профессор

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги куйдаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилояти
Андижон шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда катнашиш учун куйдаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ;
4. Меҳнат дафтрасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
7. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича қанда ҳам ўн йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2017 йил 31 август)
Телефонлар: (0371) 236-78-52, 233-44-48.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2017 йил 12 июлдаги буйруғига асосан Миршорноқ туманидаги “Миршорноқ маъраҳат маъдд химоя” адвокатлик бюросининг адвокати Абдурахмон Қаҳор-зода Фаёулло Угли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миршорноқ туман Халқ қабулхонаси мудбири лавозимига тайинланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлар тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан адвокатлик фаолияти билан бйра олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга сайланганда ёки тайинланганда — иш даврига) унинг адвокатлик мақоми тўғрисида.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 11.07.2017 йилдаги 274-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “СЗ АМКО” адвокатлик фирмасининг адвокати Шукулов Абдурахмон Шукрович номидан бошқарма томонидан 2013 йил 5 декабрда берилган СА 000427-сонли ҳамда Пайкарки туман “PAYARIQ” адвокатлик фирмасининг адвокати Қобилов Абдихамид Ахмедович номига бошқарма томонидан 2009 йил 8 июнда берилган СА 000095-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва уларнинг адвокатлик мақоми тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 11.07.2017 йилдаги 493-ум-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “ROYTAXT HUQUQIY MARKAZ” адвокатлик фирмасининг адвокати Акромов Фарух Shuhratovichга бошқарма томонидан 17.07.2015 йилда берилган TN №001932 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 07.08.2015 йилда берилган 3444-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 11.07.2017 йилдаги 494-ум-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “COLDAR LEON SERVISES” адвокатлик фирмасининг адвокати Камиллов Олимжон Қозимджоновга бошқарма томонидан 24.06.2013 йилда берилган TN №001670 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 03.02.2016 йилда берилган 3644-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.07.2017 йилдаги 499-ум-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “ADVOKAT-KAFOLAT” адвокатлик бюросининг адвокати Kuyuliyeva Salima Xasanovnaга нисбатан суднинг уни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов ҳужуқи қонуний қува киргаллиги сабабли унга 24.09.2014 йилда берилган TN №001828 сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 07.01.2015 йилда берилган 3168-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 13.07.2017 йилдаги 505-ум-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “XALQDARO-IJODIYON ISHCHILAR BOSHQARMASI” адвокатли адвокати Qurbulov San'at Salayevichga бошқарма томонидан 14.03.2016 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилунига қадар ёқуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2017 йил 25 июлдаги 184-ум-сонли буйруғи билан “Jaloladdin Manguberdi himoyachiligi” адвокатлар хайъати адвокати Р.И.Хайитбоев мазкур адвокатлик тузилмасидан чиққанидги муносабати билан унинг адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2017 йил 7 июлдаги 255-ум-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридан 2009 йил 1 июнда берилган AN №000138-сонли лицензия эгаси Асака туманида жойлашган “Қалқон” адвокатлик фирмаси адвокати Махмудбоев Хосилбекнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўғрисида.


Наманган вилоят адлия бошқармасининг 2017 йил 12 июлдаги буйруғига асосан “ADVOKAT SERVIS PLYUS” адвокатлик фирмасининг адвокати Юлдашев Қадыр Турсунович 2016 йил 11 мартда берилган NA 000214-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2017 йил 26 июлдаги 123-ум-сонли буйруғига асосан Амонов Севғидил Хамроевичга бошқарма томонидан 2010 йил 18 мартда берилган NV №000062 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тўғрисида.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2017 йил 26 июлдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги “Аскар Анаворович химосис” адвокатлик бюроси адвокати Хайдаров Аскар Анаворовичга 2012 йил 1 мартда берилган KS 000155-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2017 йил 27 июлдаги буйруғига асосан Шаҳрисабз туманидаги “Кеш Қалқон” адвокатлик фирмаси адвокати Буржонбаева Дилбар Гўломовнага бошқарма томонидан 2009 йил 19 июлда берилган KS 000058-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тўғрисида.

ЭЛЕКТР ВА ТАБИЙ ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧНИ ШИКАСТЛАШ



— Ойнаи жаҳон орқали электр энергияси ва табиий газ ҳисоблагиччини шикастлаганлик учун янги жавобгарлик чоралари белгиланганини эшитдим. Аммо рўзгор ишлари билан бўлиб, бу ҳақда тўлиқ маълумот ололмадим. Шу хусусда батафсил тушуна берсангиз.

Зиёда ОХУНОВА, Фаргона шаҳри

жавобгарликка сабаб бўладими?

— Дарҳақиқат, сиз эшитган жавобгарлик масаласи Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиш бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро ишчи юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб белгиланди. Яъни мазкур Фармон ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида 2017 йил 13 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Унга биноан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245⁻моддаси “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Маъбурий ижро бюроси органлари” дея номланиб, янги тахрирда баён қилинди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси органларида Маъбурий ижро бюроси органларига ушбу кодекснинг 101-моддаси (Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш), 163-моддаси (Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш), 198⁻моддаси (Қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаслиги) ва 198⁻моддаси (Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик)да назарда тутил-

ган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Жиноят кодексига киритилган ўзгаришга асосан эса унинг 185⁻моддаси матни янги тахрирда баён қилинди. Яъни умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларида ўзбошимчилик билан уланмиш ёқуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёқуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгариштириш мақсадида уларга ташқаридан аранлашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етми беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача маъбурий жамоат ишлари ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларида ўзбошимчилик билан уланмиш ёқуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёқуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгариштириш мақсадида уларга ташқаридан аранлашиш анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача маъбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ

тузатиш ишлари ёқуд бир йилгача озодлиқни чеклаш ёки бир йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай ҳаракат кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтимиш соатгача маъбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёқуд бир йилдан икки йилгача озодлиқни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёқуд икки йилдан уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Борди-у, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланса, озодлиқни чеклаш ва озодлиқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Саволга Бош прокуратура хузуридаги Маъбурий ижро бюросининг Қува туман бўлими бошлиғи, адлия маслхатчиси Абдумалик МУРТАЗОЕВ жавоб берди.

Жамият ривожига путур етказди



ТОШКЕНТ шаҳар адлия бошқармаси томонидан “Коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатларни шакллантириш борисида давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклигининг самарадорлиги” мавзuida тадбир ташкил қилинди.

Унда бошқарма ва унинг қуйи тизими идоралари масъул ходимлари, прокуратура, статистика ва солиқ бошқармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари мутахассислари ва ОАБ вакиллари иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказгани, давлатнинг конституциявий асосларини ва қонун устуворлигини заифлаштириши, пировардда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймаол бўлишига олиб келади.

Тадбирда маърузачилар томонидан асосий эътибор давлат органларида коррупцияга қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлилига қаратилди.

Шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ўрганилиши ҳамда унинг жойлардаги ижроси бўйича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Мазкур Қонунда Адлия вазирлиги олдида ҳам бир қатор ваколатлар юклатилган. Жумладан, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятларида иштирок этиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятини амалга ошириш белгиланган. Шу билан бирга коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ва қонун доирасидаги бошқа ваколатларни амалга ошириш каби вазифалар белгиланган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан бошқарма раҳбарияти томонидан тасди

Ўқтмир

Вақт ғанимат

РУМ шахрига бир ёш савдогар ташриф буюрди. Бу шахарда машхур бир тикувчи бор эди. Ёш савдогар шу чеварда кийим тиктиришни хоҳлади. Йулвочи мўйсафиддан чеварнинг дўкони каердалигини сўради.
Мўйсафид унга чеварнинг дўкони каерда эканлигини тушунтириб берди ва оғохлантирди:
— Болам, у машхур чевар бўлгани билан, қўли эгри. Эҳтиёт бўл. Манаман деганларнинг матоларидан ўзларига билдирмай қирқиб олади.
— Эҳ, отахон, мен савдогарликни бекорга қилиб юрибманми? Уғридан кўпни қўрибманми? Хали менинг матоларимни ўғирлайдиган ўғри тўғилмаган!
— Болам у жуда моҳир ўғри-да!
— Отахон, менадан ҳеч нарса ололмайди. Манзилни кўрсатганингиз учун раҳмат!
Отахонга шу жавобни айтиб, савдогар чеварнинг дўкони томон равона бўлди. Дўкони кидириб топди. Ичидан чевар чиқиб келди. Чевар шундай мулозимат қилди-ки савдогарга, худди минг йиллик танишлардек кўтиб олди. Савдогар чеварнинг олдида ўзи билан олиб келган қимматбахо матони ёйди. Чевар савдогарнинг ўлчамларини олиб, матони қайчи билан қирқа бошлади. Ўз ишини бажараётиб Румнинг гўзал қизлари ҳақида гапирарди, турли хил латифалар айтарди.
Латифаларнинг қизиқлигидан савдо-

гар бошини тепага қилиб, қаҳқаҳа отиб куларди.
Чевар бу онда тезлик билан матонинг бир томонини қирқиб олар ва беркитар эди.
Кейинги сафар ундан ҳам кулгилироқ латифа айтди. Савдогар кулаверганидан кўзлари юмilib кетар, бу онда чевар матонинг яна бир парчасини қирқиб олиб, яширар эди. Бирданги чевар жим бўлиб ўз ишини бажаришда давом этди.
— Эй чевар, жуда қизиқ латифалар билар экансан. Нега жимми қолдинг? Давом эт, — деди савдогар.
— Эй савдогар, агар яна бир марта латифа айтсам, сенга кийим тор келиб қолади, — деб жавоб қайтарди.
Энди сизга бу қаҳрамонларни таништирай: ҳикоятдаги савдогар бу — сиз, мен, барча инсонлар.
Мўйсафид эса бизга насиҳат қилувчидир. У отамиз, устозимиз, ҳикоя, ибратли воқеа ва ҳоқазолардир. Чевар бу дунёдир. Унинг қирқиб олаётган қимматбахо матоси эса, инсоннинг қимматли вақтидир. Дунё шундай, сизга кулгили, кўнгличар нарсаларни кўрсатиб, вақтингизни ўзининг ўткир қайчиси билан "зип" этиб қирқиб олаверади. Буни пайқаймай қоласиз. Баъзан пайқанингизда, кийимингиз тор келиб қолган бўлади. Яъни вақтингиз жуда оз қолган бўлади дунёда. Вақтни бекор сарфламаслик зарур.
Хулоса ўзингиздан...

Адолат қарор топди!

ОДИЛ СУДЛОВДАН МИННАТДОРМАН!

АДОЛАТ халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келганни яхши биламиз. Соҳибқирон Амир Темурнинг "Куч — адалатда", деган ҳикматли шиори асрлардан-асрларга ўтиб, яшаб келаётганлиги бежиз эмас, албатта. Қонун устувор бўлган жойда адалат қарор топади.
Мамлакатимизда "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинаяк мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Бу борадаги амалий ишларни ижобий баҳолаш мумкинлигини ўз иш фаолиятим мисолида айтишим мумкин.
Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан Навоий давлат кончилиги институтини тугатганимдан буён биология фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келаман. Иккинчи тоифали ўқитувчиман. 2007-2008 йилларда Самарқанд вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш институтида биология фани бўйича қайта тайёрловдан ўтиб, педагогик фаолиятимни давом эттириб келаётганим. 2010 йилдан бошлаб мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига тайинландим ва

бу соҳада ҳам малакамни оширдим. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари сифатида давлат аттестациясига жалб қилиниб, муваффақиятли ўтдим ва бу борада амалга оширган ишларим Пахтачи туманида кенг оммалаштирилди. Шундан сўнг Фарғона давлат университети ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш минтақавий маркази олийгоҳида педагогика йўналиши бўйича 4 ой ўқиш, диплом олиб қайтдим. Худди шу даврда Пахтачи туман халқ таълими муассасалари фаолиятини меъодик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан мени ҳеч қандай сабабсиз ва ҳуқуқий ҳужжатсиз ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимидан ва биология фани ўқитувчиси вазифасидан ишдан четлаштирилганимни эшитиб ҳайрон қолдим. Мактаб директори Нарғиза Шариповага қайта-қайта мурожаат қилишдан бирор натижа чиқмагач, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлароо судига ҳақ-ҳуқуқимни тиклаб беришни сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлдим.
Одил суд мурожаатимни атофлича ва ҳолисона кўриб чиқди. Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлароо суди орқали аризам ижобий ҳал этилди ва Пахтачи туман халқ таълими бўлимига мени 2016 йил 28 августдан эътиборан ўзим салкам 20 йил меҳнат қилган мактабга биология фани ўқитувчиси ва ўқув ишлари бўйича дирек-



тор ўринбосари вазифасига ишга тиклаш мажбурияти юклатилган қарор қабул қилинди.
Шунингдек, ишсиз юрган даврим 2016 йил 28 августдан 2017 йил 8 июнь кунига қадар компенсация тўловлари тўлиқ ундириб берилиши таъминланди.
Айни пайтда кадрдон мактабимга, узок йиллар бирга ишлаган севимли жамоамга қайтиб, ўз ишимни давом эттираётганимдан жуда хурсандман.
Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирди. Мен адалат қарор топгани, бузилган ҳақ-ҳуқуқимни тиклаб берганлиги учун одил судловни амалга оширган суд раисига, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устунигини суд мажлисида исботлаб, ҳуқуқимни тиклашда ёрдам берган туман прокуратураси ходимларига миннатдорчилик билдирман.

Гулчеҳра БОБОНАЗАРОВА,
Пахтачи туманидаги 23-умумтаълим мактабининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Бойлик нима билан ўлчанади?

БАДАВЛАТ ОТА ўғлини камбағал кишиларнинг борлигини кўриб ибратлансин, деган ўйда мамлакатнинг чекка қишлоқлари бўйлаб саёхатга олиб чиқди.
Улар ўта қашшоқ бир оиланинг даласида кечани ўтказдилар.
Сафардан қайтишларида ота ўғлидан сўради:
— Саёхат қандай бўлди?
— Ажойиб!
— Кўрдингми, қандай қашшоқ одамлар бор-а?! — сўради ота.
— Ҳа...
— Ҳўш, бу сафардан нималар-

ни ўргандинг?
— Кўрдимки, бизнинг атиги битта итими бор экан, уларда эса тўртта!
Биздаги боғнинг ўртасида биттагина бассейн бор, уларда эса адоғи йўқ булоқ!
Биз боғимизга чироқлар қўйдирганми, уларда бу вазифани миллионлаб юлдузлар бажаради.
Бизнинг ҳовлига туташган пешайвонимиз бор, уларда эса бутун бошли уфқ,
Бизда яшаш учун бир парчагина ер бор, уларда эса биз ҳис қила

олмайдиган даражада кенг далалар. Бизга хизмат қилишдади, улар ўзгаларга хизмат кўрсатишдади.
Биз егуликларни сотиб оламиз, улар эса ўзлари ўстирадилар.
Биз бор-будимизни асраш учун деворлар қурганимиз, уларнинг ўзларини ҳимоялайдиган дўстлар бор экан...
Бу сўзларни эшитган ота жимиб қолди. Шунда ўғил яна қўшиб қўйди:
"Отажон, қанчалик қашшоқлигимизни кўрсатганингиз учун сизга ташаккур".

Ёҳанн Ҳайнрих Песталоцци

Бемор дарахт

БОЛА боғнинг бир четига кўчат экиб, меҳр билан парвариш қилди.
Тез орада эккан кўчат гуржираб ўса бошлади. Бола меҳнатининг самарасини кўриб жуда севинди. Кўчатига ҳар кун сув қуйиб, остини юмшатишни қанда қилмади. Кўчат ўсиб дарахт бўлди.
Аммо кунлар ўтгани сайин дарахтнинг барглари сарғайиб, сўла бошлади. Буни кўриб бола қаттиқ ташвишга тушди. Уни янаям кўпроқ пар-

варишлайверди. Аммо дарахт сўлиб борарди. Бир кун бола дарахтнинг кўчиб йиғлаб, унга деди: "Дарахтжон, сени шунчалик парваришласам ҳам, сўлиб қолаясан. Сенга қандай ёрдам беришни билмаяпман!"
Шунда дарахт тилга кириб деди: "Болакай, ҳамма гап менинг илдимга тушган кўртда. Остимни қовлаб, бу зараркунандалардан мени халос эт. Шунда яна гуржираб ўсаман".
Болакай дарахтнинг остини қовлаб,

илдизга тушган кўртларни олиб ташлади. Тез орада дарахт яна гуржираб ўса бошлади.
Қиссадан ҳисса:
Ҳаётда ҳам кўпинча шундай. Кўзимиз билан кўриб турган муаммоларни ҳал қилишга уринамизу, аммо муаммолни келтириб чиқараётган сабабларни кўрмаймиз.

Нотиқ нимани билиши керак?

КУНЛАРДАН бир кун машхур нотиқ ҳузурига жуда кўп гапирарди, эзма бир киши келиб, деди:
— Нотиқлик санъатини менга ҳам ўргатсангиз.
Нотиқ рози бўлган сўради:
— Дарсларингиз учун қанча миқдорда пул тўлашим лозим?

Нотиқ жавоб берди:
— Сендан бошқа шогирдларимга қараганда икки баробар кўп ҳақ оламан.
Халиги киши ажабланиб, сабабини сўради.
— Сенга бошқаларга қараганда икки баробар кўп меҳнат ва вақт

сарфлашим керак.
Чунки сенга нотиқлик санъатини ўргатишимдан аввал, сукут сақлаш санъатини ҳам ўргатишим керак, — деди нотиқ.
Немис тилидан Ҳомиджон РАҲМОНОВ таржимаси

Чархпалак

ИҚРОР БЎЛДИ



ҚАДИМДА бир шахарга янги қози тайинланди. У ҳар қандай муаммони адалат ва ҳақиқат билан ҳал қилар экан. Бир кун унинг ҳузурига икки киши бир масалани ҳал қилиб беришни сўраб келишибди. Даъвогар ёнидаги шериги ундан қарзга пул олиб сўнг олмаганман, деб тонаётганини айтади. Суриштирув жараёнида жавобгар агар пулни олган бўлсам исботлаб берсин ёки гувоҳ келтирсин, дейди. Шунда қози пул берган кишига қараб, "сен бу одамга пулни қаерда берган эдинг?", деб сўради. У киши жой номини айтди. "Уша жойда нима бор?", деб сўради қози. "Катта бир дарахт бор. Унинг соясига овқатландик. Кетар маҳал унга пулни берганман", деди даъвогар. Қози пул берган одамга "Сен ҳозир ўша жойга бор, балки ҳаёлингдан кўтарилган нималардир эсинга келар, сўнг ҳузуримга қайтиб кел, қўрган-билганларингни сўзлаб беравсан", деб маслаҳат берди. Даъвогар чиқиб кетди. Қози айбланувчига "Сен шу ерда дўстинг қайтиб келгунча ўтир", деди. Узи эса ҳузурига келган бошқа кишилар билан шуғуллана бошлади. Қози ахён-ахён айбланувчига кўз қири билан қараб қўяди. Мана шу пайтда қози шундай бир ҳийла ишлатдики, натижада халиги одам айбига иқроор бўлди.

Бу ҳийла қуйидагича эди:
Айбидан тонувчи хотиржам, хаёлчан ўтирган пайтда қози тўсатдан "Дўстинг сенга омонат берган ўша дарахтнинг ёнига етиб бордимикан? Нима деб ўйлайсан?", дея сўради. У киши ҳеч ўйлаб ўтирмай: "Йўқ, хали етиб бормагандир, чунки у жой анча узок", деб юборди.

"Инсон ва қонун" муҳбири Дилфуза ЭРҒАШЕВА тайёрлади.

Реклама



ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР ! "Асака" банк

2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади:

"МАНФААТЛИ-2017"
Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланаган фойзалар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалли ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63
www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

"Асака" банк сармомангиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Мажбурий ва аниқлаш
олинганда
0081-рақом билан
рўйхата олиноган

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Жўраев Нодир Савриддинович
Усмонов Анвар Акромович
Очилов Анжон Муҳлисони

Навбатчи
Ербек
ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи
Жамиш
ҒОҒУРОВ

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа иходий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 16794
Буюртма S-9732.
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100 000, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09
Баҳоси келишилган нарҳда
1 2 3 4 5